

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Цель организации духовно-просветительской работы
и задачи**

**The purpose of organizing spiritual and educational work
and duties**

Эргашов Умиджон Обиджонович Фарғона давлат техника университети
катта ўқитувчиси

Эргашов Умиджон Обиджонович, старший преподаватель, Ферганский
государственный технический университет

**Ergashov Umidjon Obidjonovich, senior lecturer, Fergana State
Technical University**

Аннотация: Мактабларда маънавий – маърифий тадбирларнинг ўқувчилар ҳаётида тутган ўрни, ўқувчиларнинг комил инсон бўлиб вояга етишидаги аҳамияти аجدодлар меросига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашнинг методологик асослари очиқ берилган.

Калит сўзлар: маънавият, жамият, ғоялар, жамият тараққиёти, онг, ҳаёт фалсафаси.

Аннотация: Раскрывается роль духовно-просветительской деятельности в школе в жизни учащихся, ее значение в формировании учащихся как полноценных личностей, методические основы воспитания в духе уважения к наследию предков и верности национальным ценностям.

Ключевые слова: духовность, общество, идеи, общественное развитие, сознание, философия жизни.

Abstract: The role of spiritual and educational events in the life of students, the importance of students in growing up as a perfect person, respect for the heritage of ancestors, and the methodological foundations of education in the spirit of loyalty to national values are revealed.

Key words: spirituality, society, ideas, social development, consciousness, philosophy of life.

Маънавият жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишларига, миллатимиз ва мамлакатимиз келажаги ҳамда тақдирига бевосита боғлиқ бўлган қадриятга айланганлиги айни ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз олимлари томонидан “маънавият” тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тарақиётидаги ўрнини тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмоқда, Жумладан, таниқли файласуф А.Жалолов” “Мустақиллик маъсулияти” асарида “Маънавият инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми онги, ақл-заковатининг маҳсули” деб таърифлайди. “Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти” мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб “Маънавият-инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларни кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар” деб таъкидлайди. С. Отамуродов., Ж. Раматов, С. Хусановларнинг “Маънавият асослари” маърузалар матнида “Маънавият инсоннинг руҳиятни, унинг ўз-ўзидан англаши, диди, фаросати адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир” деб таърифланади. Бундай турлича ёндашувлар ва таърифларнинг кўплиги маънавиятнинг кўлами кенглиги, мураккаб тизим эканлигидан келиб чиқади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи унда фаолият кўрсатаётган кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврнинг юзага келишини англатади. Маънавиятсиз юксалиш имкониятига эга бўлган адолатли жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавиятни ҳам тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳатто, “маънавият орқали инсон табиат ва жамият билан бир бутунликни

ташқил қилади, уйғунлашади. Инсоннинг табиатга ва жамиятга ижобий таъсири маънавиятга, салбий таъсири эса ундаги камчиликларга боғлиқ.” Маънавият ўз навбатида маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланади. Маърифат-инсон фаолиятининг билимларни эгаллаш ва жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган соҳаси бўлиб маънавият билан қўшилгандагина ўтмиш, бугунги кун, келажакни бир-бирга боғлаш имконияти пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам маънавий-марифий тарбия сифатида уларни бирга олиб бориш давр тақозосидир. Маънавий-маърифий тадбирларни ташқил этишда маънавиятнинг жамият ҳаётида бажарадиган ижтимоий вазифалари, маънавий тарбияни тўғри ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Маънавиятнинг фаол тадқиқотчиларидан А.Эркаев фикрига кўра, Маънавиятнинг ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- А) Миллатни муҳофаза қилиш;
- Б) ўтмишга, бугунга ва келажакка оид ҳодисаларга баҳо бериш, бу баҳоларнинг мезонлари ва меъёрларини белгилаш (аксиологик вазифа);
- В) жамиятни ва алоҳида шахсларни муайян ҳаётий позисияни эгаллашга ундаш;
- Г) миллатни тараққиётга, алоҳида шахсни такомиллаштишга рағбатлантириш;
- Д) инсоннинг ўз шахсияти билан айниятда яшашини, инсон табиатининг ривожланиши, такомиллаштишини таъминлаш;
- Е) кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш(ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар орқали);
- Ж) инсоннинг табиат ва жамият билан уйғунлигини таъминлаш.(6. Б.56)

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, маънавиятнинг жамият ҳаётида бажарадиган ижтимоий вазифалари инсон камолоти, инсон ва жамият, инсон, шахс ва жамият инсон ва табиат муносабатлари нуқтаи-назаридан янада кенгроқ вазифаларни бажаришни таъкидламоқ керак. Айниқса, маънавий, мафкуравий тазйиқлар ўтказиш ҳаф кучайиб янадабораётган бугунги кунда

ушбу вазифалар кўлами янада кенгайиб боришини унутмаслик зарурдир. Бизнингча ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда маънавиятнинг ижтимоий вазифаларини қуйидаги йўналишларга кўра ажратиб кўрсатиш мақбулроқдир:

- Маънавиятнинг адаптив вазифаси инсоннинг муайян касбий муносабатлар тизимига киришиши, жамоада фаолият кўрсатиши, амалда бўлган касбий, ижтимоийпсихологик ва маданий шарт-шароитларга тез мослашишга ёрдам беради.

- Интерактив вазифаси касбий-маънавий алоқалар ва мулоқатлар орқали жамоада ишончли муносабат ўрнатиш, самарали фаолият кўрсатишга имконият яратади.

- Тарбиявий вазифаси шахс ва жамоанинг узлуксиз ва изчил алоқаси орқали намоён бўлади.

- Ўз-ўзини ҳимоя қилиш вазифаси шундан намоён бўладики, инсон ўзининг яхлит ички дунёси тизимини яратиш, ушбу тизим учун хавфли бўлган таъсирларга қарши курашади.

- Инсонпарварлик вазифаси умуминсоний манфаатларга, инсон ҳаётининг кадр-қиммати ва дахлсизлигига қараб мўлжал олишга йўналтиришдан иборатдир.

- Қадриятларга муносабатни шакиллантириш вазифаси, биринчидан, аввалдан шаклланган ва эътироф этилган қадриятлар ёрдамида мўлжал олиш имконини беради, иккинчидан, у ёки бу қадриятларни эркин танлаш, уларни яратиш ва шакллантириш учун имконият яратади, учинчидан, шахснинг ўз-ўзини такомиллаштириш субъектига айланишига ёрдамлашади.

- Иқтисодий-экологик вазифаси истеъмол жараёнида тежамкорлик, табиий ресурслар ва маблағлар исрофини мумкин қадар камайтириш ва одамлар эҳтиёжларини ақлга мувофиқлаштиришда кўринади.

- Тартибга солувчилик вазифаси барча муносабатларни мавжуд меъёрлар ёрдамида ва воситасида тартибга солишда кўринади.

Кўпгина илмий адабиётларда таъкидлаб ўтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки шахс маънавиятининг шаклланиш жараёни учта асосий босқичдан ўтади. Дастлабки босқичда маънавиятнинг асослари шакллантиб, бунда шахснинг ўз-ўзига мурожаат этиши, ўзини билиши ва ўзини ўрганиши юз беради. У ўз маънавий фазилатларини ривожлантириш лозимлигини англаб етади, янада баркамолроқ маънавий борлиқ сари интила бошлайди, унинг маънавий эҳтиёжлари долзарблашади, олий, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий меъёрларга ўз эътиборини қаратади. Шахс жамиятда яратилган маънавий-ахлоқий меъёрларни фаол ўзлаштиради. Бу босқич маънавий қадриятларни ўзлаштириш босқичидир.

Иккинчи босқич-маънавий қадриятларни истемол қилиш босқичи бўлиб, шахснинг аввалги босқичда шаклланган маънавий фазилатлари ва мўлжалларининг шундай даражасики, у фаол ижтимоий ролни бажариш имкониятини яратади. Жамият тараққиётининг муайян босқичи талабларидан келиб чиқиб, барқарор маънавий қадриятлардан ва мўлжаллардан дадил фойдаланади, шаклланган маънавият даражасига кўра қарорлар қабул қила олади. Шахс ўз маънавий салоҳиятини мумкин қадар тўла намоён этувчи босқич маънавий юксалишнинг олий босқичи ҳисобланади. Шахс ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришгагина интилиб қолмасдан ўз тажрибаси ва маънавий бойлигини бошқалар билан баҳам кўради, фикр алмашади. Демак бу босқич маънавий қадриятларни яратиш ва тарқатиш босқичидир.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, маънавий тарбия инсон маънавий олами, тафаккури ва дунёқарашининг миллат ва жамият талаблари даражасида узлуксиз шакллантирилиши демакдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти Т.: Ўзбекистон, 1996. 29 бет
2. Отамуродов С., Раматов Ж., Ҳусанов С. “Маънавият асослари”.-Т.: 2000. 30-бет
3. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт.-Т.: Маънавият, 2009. 51, 56 бетлар

4. Эргашов У. О. Мактаб ўқувчиларда маънавий тарбияни ривожлантиришнинг долзарб масалалари // Экономика и социум. 2023. №11 (114)-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/maktab-uvchilarda-manaviy-tarbiyani-rivozhlantirishning-dolzarb-masalalari> (дата обращения: 14.03.2025).
5. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. Содержание повышения позитивных изменений в духовном мировоззрения молодежи в образовательных учреждениях // Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.
6. Эргашов У. О. Процесс воспитания духовно-нравственных ценностей у студентов в учебных заведениях // Достижения науки и образования. – 2018. – №. 18 (40). – С. 73-75.
7. Нуриддинов М. А., Эргашов У. О. Маънавий эhtiёж ва уни шакллантириш субъектлари // Экономика и социум. 2021. №11-2 (90). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/manaviy-ehdiyozh-va-uni-shakllantirish-subektlari> (дата обращения: 14.03.2025).
8. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. История развития электронного правительства // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.
9. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. Mahalla institute-the foundation of civil society of Uzbekistan // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2020. – С. 249-252.
10. Otajonovna, Karimova & Obidjonovich, Ergashev. (2020). Pedagogical foundations of the organization of spiritual and moral education. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). 223-226. 10.36713/epra4480.